

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

ФУТБОЛ
ДАРСЛИК

ТОШКЕНТ – 2006

Педагогика фанлари номзоди, доцент Р.А. Акрамовнинг умумий таҳрири остида.

Тақризчилар:

Усмонхўжаев Т.С. – педагогика фанлари доктори, профессор,

Саломов Р.С. – педагогика фанлари доктори, профессор.

Дарслик жисмоний тарбия институтлари учун футбол фани дастури асосида тайёрланган.

Дарсликда футбол ўйинининг техникаси ва тактикаси, ўқитиш ва ўқувғмашғулот жараёнларини олиб бориш услубияти ёритилган. Аввалги нашр этилган дарсликлардан фарқли ўлароқ мазкур дарсликда Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитлари ва шундай иқлим шароитларида футбол билан шуғулланишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган.

Дарслик Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия инсти-тути қошидаги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий кенгаш томонидан нашр этишга тавсия этилган.

© ЎзДЖТИ нашриёт-матбаа
бўлими, 2006 й.

СЎЗ БОШИ

Мустақил Ўзбекистон 15 ёшда. Бу ўтган давр мобайнида футболчилар ва тренерларнинг бир неча авлоди алмашди. Терма жамоалар турли миқёсдаги халқаро мусобақаларда иштирок этиб, муайян ютуқларга эришдилар. Мамлакатнинг ички чемпионати ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб турилади. Болалар ва ўсмирлар учун мини футбол бўйича кўпгина мусобақалар ташкил этилмоқда. Аёллар футболига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ўзбекистонда уюшган ҳолда футбол билан шуғулланув-чилар 70000 дан ортиқ, 320 дан зиёд футбол мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар мавжуд; терма жамоаларни тайёрлаш бўйича янги марказлар очилмоқда, 3000 дан ортиқ тренерлар ўрта ва олий жисмоний тарбия маълумотиغا эга.

Бугунги кунда «Футбол» дарслигини яратиш зарурати туғилди ва унда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида қўлга киритилган ҳозирги замон илмий тадқиқотларига доир маълумотлар ўз аксини топди.

Дарслик жисмоний тарбия институтларининг футболга ихтисослашаётган талабалари учун мўлжалланган бўлиб, у мазкур фан бўйича мутахассислар тайёрлаш дастурига мувофиқ ҳолда тузилган.

Дарсликнинг мазмуни футбол бўйича тренер-ўқитув-чилар тайёрлаш дастури талабларига мос равишда баён этилади ҳамда талабаларнинг футболни ўргатиш назарияси ва усулиятини, футболнинг техника ва тактика назариясини ўзлаштириш, мустақил ишлаш учун зарур бўлган билимлар ҳамда касбий-педагогик кўникмаларни эгаллашни назарда тутди. Айниқса, иссиқ иқлим шароитида футболчиларнинг машғулотларини режалаштириш масаласига алоҳида ўрин ажратилган.

Дарсликни тайёрлашда педагогика фанлари номзоди, доцент Г.М. Сергеев (1 боб), педагогика фанлари номзоди, доцент Р.А. Акрамов (2, 10 боблар), педагогика фанлари номзоди, профессор Р.И. Нуримов (3 боб), педагогика фанлари доктори, профессор И.А. Кошбахтиев (4 боб), педагогика фанлари номзоди, доцент А.И. Толибжонов (5 боб), педагогика фанлари номзоди, доцент З.Ғ. Ғаффоров (6 боб), педагогика фанлари номзоди, доцент З.Р. Нуримов (7 боб), А.А. Климов (8, 12 боблар), педагогика фанлари номзоди, доцент Ш.Т. Исеев (9 боб), педагогика фанлари номзоди О.А. Қурбонов (11 боб), А.Р. Имомхўжаевлар (13 боб) иштирок этдилар.

Дарслик устида ишлашда муаллифлар Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти футбол ва қўл тўпи кафедраси иш тажрибасидан, шунингдек, кейинги 10 йил давомидаги тадқиқот материалларидан фойдаланганлар.

Дарслик материаллари Ўзбекистон Футбол федерацияси эксперт комиссияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўқув-услубий комиссияси томонидан кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

Дарслик бўйича барча эътироз ва истакларингизни куйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Оқкўрғон кўчаси, 2-уй, ЎзДЖТИ.

I боб. ТАРИХИЙ ОЧЕРК. ФУТБОЛ ЎЙИНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Футбол энг қадимий ўйинлардан биридир. Инглизларнинг эътироф этишларича, оёқ билан тўп ўйнаш Британ оролларида IX асрдаёқ жуда машхур бўлган.

1863 йил 26 октябрда Лондонда Англия футбол уюшмасининг ташкил этилиши пайтида бу ўйиннинг 13 моддадан иборат бўлган илк расмий қоидалари тасдиқланган. Кейинчалик бу қоидалар бошқа барча миллий уюшмалар учун футбол ўйинининг асоси бўлиб қолди.

Футбол ўйинининг илк қоидаларида белгиланишича, майдон узунлиги 200 ярд (183 метр)дан, кенглиги 100 ярд (91 метр)дан ошиқ бўлмаслиги керак. Дарвозалар икки устундан иборат бўлиб, улар орасида тўсин бўлмаган ва устунлар орасидаги масофа 8 ярд (7,32 м) бўлган. 1866 йилда баландликни чеклаш учун устунлар орасига арқон тортиб қўйилган. Яна 10 йил ўтиб, бу арқонни ёғоч тўсинга алмаштиришган.

Дарвозабоннинг қўл билан ўйнашга ҳаққи йўқ эди. 1871 йилда ўнг қўл билан ўйнашга рухсат берилган, у ҳам бўлса фақат дарвоза майдони ичида. Дарвозабоннинг жарима майдони ичида ҳам қўл билан ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритиши учун 30 йилдан кўпроқ вақт керак бўлади (1902).

Узоқ вақт мобайнида на жарима тўпи, на 11 метрлик зарба бўлган. Қоидабузарлик учун эркин зарбалар билан чегараланиб қолинаверарди. Ниҳоят, 1891 йил энг қатъий жазолардан бири – 11 метрлик зарба киритилди, уни инглизча сўз билан «пенальти» деб атайдилар.

Футбол шаклланаётган даврларда жамоа сардорлари ўйин қоидаларига риоя қилинишини кузатиб турардилар. Футбол майдонида ҳакам 1880 йилда пайдо бўлди, 1 йилдан сўнг эса ҳакам иккита ёрдамчиси билан майдонга чиқа бошлади. Ҳуштак 1878 йилда киритилди, бунга қадар ҳакам тўхтатиш ёки ўйинни қайта бошлаш учун овоздан ёки қўл ҳаракатларидан фойдаланарди. Ўша йилларда барча миллий футбол уюшмалари учун қоидалар бир хил ёки мажбурий бўлмаган. Ҳар бир уюшма ўз хоҳишига кўра бу қоидаларга турли ўзгартиришлар киритиши мумкин эди. Бу вазият халқаро учрашувлар ўтказиш ёки халқаро мусобақалар ташкил этишда қийинчиликлар туғдирарди.

1882 йили тўп мустақил футбол иттифоқлари, яъни Англия, Шотландия, Уэлс ва Ирландия иттифоқларининг бирлашуви бўлиб ўтди. Бунда ягона қоидалар қабул қилинди ва футбол қоидаларида у ёки бу ўзгаришларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган халқаро Кенгаш тасдиқланди.

1871 йилда Англияда мамлакат Кубогининг йўналиши тасдиқланди. Бу кубок учун ҳозирда инглиз футбол клублари кураш олиб борадилар халқаро миқёсдаги илк футбол учрашуви Англия ва Шотландия жамоалари ўртасида 1873 йилда бўлиб ўтди. Ўйинчилар сони 11 кишидан ортиқ бўлса, уларнинг жамоадаги жойлашиши ҳозиргидан бошқачароқ бўлган. Англия жамоасида 7 та ўйинчи ҳужумда, 1 таси ярим ҳимояда бўлган, шунингдек, 2 та ҳимоячи ва 1 та дарвозабон бўлган. Шотландия жамоаси таркибида эса 6 та ҳужумчи, 2 та ярим ҳимоячи бўлган эди.

XIX асрнинг 80-йилларида футбол ўйини Европа қитъасидаги мамлакатларга ёйила бошлади. 1875 йилда футбол Голландияга, кейинроқ эса Данияга кириб келди. 1882 йилдан бошлаб Швейцарияда, 1890 йилдан Чехияда, 1897 йилдан эса Россияда футбол ўйнай бошладилар.

1882 йилда халқаро уюшмалар бошқармасига асос солинди. Ниҳоят, 1904 йил 21 майда Франция ташаббусига кўра ҳозирда 200 дан ортиқ давлатлар аъзо бўлган Халқаро Футбол Уюшмаси – ФИФА ташкил этилди. ФИФА билан бир қаторда 1954 йилдан бошлаб Европа Футбол иттифоқи – УЕФА ҳам фаолият кўрсатади.

1930 йилдан бошлаб ҳар 4 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионати, 1958 йилдан бошлаб эса миллий терма жамоалар қатнашадиган Европа чемпионатлари ўтказилиб келмоқда. 1900 йилда футбол олимпия спорт турига айланди, аммо расмий жиҳатдан у Олимпия ўйинлари дастурига 1908 йилда киритилган.

Осиё Футбол конфедерацияси (ОФК) 1954 йили тузилган бўлиб, ҳозирги вақтда 44 га яқин мамлакатларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Футбол федерацияси 1994 йилдан ФИФА ва ОФК га аъзо бўлган, ҳозирда ФИФА ва ОФК томонидан ўтказиладиган барча расмий мусобақаларда қатнашиб келмоқда.

Ўзбекистонда футболнинг ривожланиши

Ўзбекистонда замонавий футбол ўтган асрнинг бошларида пайдо бўлди ва тезда машҳур ўйинга айланди. Унинг ривожланиш жойлари Фарғона, Тошкент, Андижон, Қўқон ва Самарқанд эди.

Илк бор футболни Фарғона шаҳрида ўйнаганлар. Худди шу ерда 1911 йилнинг охирида биринчи футбол жамоаси ташкил топган.

Фарғонада тузилган футбол жамоалари сони 1912 йил августида «Футболчилар жамоаси»га бирлашишга йўл берди.

Бир оз вақт ўтгач, Тошкентда ҳам футбол ўйнай бошладилар. Тошкентлик футбол ишқибозлари орасида энг машҳур жамоа бу ТОЛС – Ташкентское общество любителей спорта (ТСИЖ – Тошкент спорт ишқибозлари жамияти) эди.

Бу жамият 1912 йилда тузилган бўлиб, жуда қисқа вақт ичида футбол ҳамда бошқа спорт турларининг ривож-ланиши учун кўп хизмат қилган. 1912 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда футбол айтарли даражада ёйила бошлади. Футбол ўйинига Қўқон, Андижон ва Самарқандда ҳам қизиқиш орта бошлади.

Бу йиллардаги энг қизиқарли босқич албатта Фарғона, Тошкент, Андижон, Самарқанд футболчиларининг учрашуви бўлди. Тошкентга ташриф буюрган илк футболчилар Самарқанд футболчилар тўғараги (СФТ) аъзолари эди.

1913 йил 29 августида улар ТОЛС футболчилари билан учрашув ўтказдилар. Яхши тайёргарлик кўрган Тошкент жамоаси 5:0 ҳисоби билан ғалаба қозонди.

1913 йил июнида Андижонда «Андижон футболчилар клуби» тасдиқланди.

Ва, ниҳоят, 1914 йил 25 майда Тошкентда Ўзбекистоннинг энг кучли икки жамоасининг марказий учрашуви бўлиб ўтди. Бунда Тошкент ва Фарғона футболчилари тўп сурдилар. Тошкентликлар ўйинда 3:2 ҳисобида муваффақиятга эришдилар. Ўзбекистонда футбол ривожланишининг бошланғич даври ҳақида хулоса қилиб шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, футбол майдонлари ва ўқув машғулотларининг бўлмаганига қарамай, қисқа вақт ичида Фарғона, Тошкент,